

## ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИДА ЯНГИЛАНИШЛАР ТАМОЙИЛИ (япон, араб, ўзбек адабиёти мисолида)



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-130-133>

**Мухиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна**

“Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик” кафедраси мудир, филология  
фанлари доктори, доцент  
[dmuhiddinova@inbox.ru](mailto:dmuhiddinova@inbox.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада замонавий шарқ халқлари адабиёти, хусусан, араб, япон ва ўзбек адабиётида янгиланиш тамойилларининг ривожини баён этилган. Мақолада магик реализм, модернизм, экзистенциализм, “онг оқими”, сюрреализм каби замонавий йўналишларнинг шарқ халқлари адабиётида акс этиши, мослашиш жараёни очиқ берилган. Мақолада япон ёзувчиси Або Кобэ, араб ёзувчилари Жўрж Салим, Закария Тамер, ўзбек ёзувчиси Улўбек Ҳамдам каби ёзувчиларнинг асарлари ўзаро қиёсий таҳлил қилинган, ёзувчилар услубидаги ўзига хосликлар ва ўхшашлик томонлари мисоллар орқали баён этилган.*

**Таянчсўз ва иборалар:** магик реализм, модернизм, экзистенциализм, “онг оқими”, сюрреализм, бегоналашув, ёлғизлик.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье описывается развитие принципов современной восточной литературы, в частности в арабской, японской и узбекской литературе. В статье раскрывается отражение таких современных направлений, как модернизм, экзистенциализм, поток сознания, сюрреализм в литературе восточных народов, процесс адаптации. В статье были сравнительно проанализированы произведения японского писателя Або Кобе, арабских писателей Джорджа Салима, Тэма Тамера, узбекского писателя Улўбека Ҳамдама, на примерах объяснены особенности и сходства в стиле писателей.*

**Ключевые слова:** магический реализм, модернизм, экзистенциализм, “поток сознание”, сюрреализм, одиночество, отчуждение.

### ABSTRACT

*This article describes the development of the principles of modern Oriental literature, in particular in Arabic, Japanese and Uzbek literature. The article reveals the reflection of such modern trends as modernism, existentialism, stream of consciousness, surrealism in the literature of Oriental peoples, the process of adaptation. The article comparatively analyzed the works of the Japanese writer Abo Kobe, Arab writers George Salim, Tam Tamer, Uzbek writer Ulugbek Hamdam, explained the features and similarities in the style of the writers by examples.*

**Keywords:** magical realism, modernism, existentialism, "stream of consciousness", surrealism, loneliness, alienation.

### КИРИШ

Адабий жараёнда янгиланишлар босқичида адиблар ижодида шундай асарлар яратилмоқдаки, бир-бирига ҳам мазмунан, ҳам айрим услубий жиҳатдан ўхшаш бўлган асарлар пайдо бўлмоқда. Бундай ўхшашлик жаҳон адабиётида, хусусан, Шарқ адабиётида талайгина бўлиб, шу жумладан, япон замонавий ёзувчиларидан Кобо Абенинг “Бегона Юз” романидаги ниқоб тақиб юрадиган одам ва Муҳаммад Шайлоннинг “Номаълум киши” ҳикоясидаги пародиячи киши образлари орқали ўзлигини йўқотиб, ўзга қиёфага кирган инсоннинг ҳаёти ва ўзлигининг топиш масаласи, Або Кобенинг “Одам-қути” романида

одамлардан узоқлашиб қутига яшириниб олган қахрамон билан суриялик ёзувчи Жўрж Салимнинг “Чиганоқ” ҳикоясида одамлардан, жамиятдан қочиб, яшириниш мақсадида чиганоқ ичига кириб олган ёки ўзбек ёзувчиларидан Улуғбек Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” ҳикоясида ҳаёт машаққатларидан чарчаган, жамиятдан руҳан узоқлашган инсоннинг кўзига катта дарё бўлиб кўринган аслида кичкина бир ариқ сувига ўзини ташлашга қилган ҳаракати, рус шоирларидан Борис Пастернакнинг “Вокзал” шеъри, италиялик ёзувчи Дино Буццатининг “Тезюар поезд”, замонавий араб ёзувчилардан Дийо аш-Шарқовийнинг “Кундалик поезддаги саёҳат”, Эдвар ал-Харротнинг “Вокзал -1”, “Вокзал-2” ва “Вокзал-3”, Жўрж Салимнинг “Поезд”, ўзбек замонавий адибалардан Саломат Вафонинг “Поезд” каби ҳикояларида “поезд” образининг ўткинчи ҳаёт рамзи сифатида олинishi, шунингдек, ёзувчи Дино Буццатининг “Татарлар саҳроси” романи ва Жўрж Салимнинг “Саҳро йўлида” ҳикояларида саҳронинг бўшлиқ, ўлим, ҳаётнинг якуни рамзи сифатида берилиши, замонавий ўзбек ёзувчиси Исожон Султоннинг “Боғи Эрам” ва Жўрж Салимнинг “Фирдавс” ҳикоясида ҳаётнинг ўткинчилиги, инсон умри қисқалиги каби мавзунинг диний ҳамда фольклор манбаларда келтирилган жаннат васфи тасвирлари асносида рамз, тимсол, мажозлар орқали акс эттирилиши каби ғоявий-услубий ўхшашликларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бу ўринда адабий жараёндаги ўзаро адабий таъсир ва адабий алоқа воситалардан ташқари швецариялик психолог олим Карл Густав Юнгнинг илгари сурган “*жамоавий онгсизлик*” (*онг қаъридаги қатлам*), “*архетип*” тушунчаси ўз аксини топгандек, гўё. Албатта адабиётшуносликда мазкур масала мубоҳасали ҳисобланиб, бунда санъаткорлар ижодида ўзаро таъсир ва алоқаларсиз воқеликни, борлиқни, инсон кечмишларини бир хил тасаввур қилиши, бир хил идрок қилиб, бир хил бадиий ифодалашни каби ижодий жараёнларнинг сирли жиҳатлари, инсоннинг, айниқса санъаткорларнинг бадиий тафаккури бетиним ҳаракатда эканлиги, бадиий тафаккурининг озиғи эса башарият тарихи ва унинг бой, улкан маданий ва адабий мероси эканлигидандир.

Шу жумладан, япон адабиётининг машҳур адибларидан Кобо Абэ асарларида инсоният олдида турган энг ўткир муаммолар кўтарилган. Унинг романларининг асосий ғояси – шахс ва жамият ўртасидаги зиддият, инсоннинг ҳаёт воқелиги олдидаги иложсизлиги, тақдир зарбаларига бардошлигини синовдан ўтказишдир. Кобо Абэ ўз қахрамонларини оддий одамлар, айни пайтда ниҳоятда бетакрор шахслар сифатида гавдалантирган. Ёзувчининг бадиий тасаввури ҳам ноёб. У асарлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қахрамонларининг инсоний қиёфасини қутилмаган янги шаклларда тасвирлаб, улар ички дунёсини ўзига хос тарзда очиб бериш истеъдодига эга. «Кумдаги хотин» романидаги Ники Дзюмпей, «Бегона юз»даги ниқобли одам, «Ёқиб юборилган харита»даги изкувар, «Одам-қути»даги одам-қути турли сабабларга кўра оддий кўринишларини ўзгартирган бўлсалар ҳам, ўзлигини сақлашга астойдил ҳаракат қилади, бироқ ҳамиша ҳам омад улар томонида бўлмайди. Япон ёзувчиси асарларида мажозий тасвирлар орқали ҳақиқий инсоннинг яшашдан мақсади – жамиятнинг ўзи каби аъзоларига сидқидилдан хизмат қилиш, эзгуликка интилиш бўлиши кераклигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Мана шу услуб араб ёзувчиларидан Жўрж Салимнинг XX асрнинг 1976 йили нашр қилинган “*Чиганоқ*” ҳикояси ва замонавий ўзбек ёзувчиси Улуғбек Ҳамдамнинг 2014 йилда нашр қилинган “Кўнглимдаги дарё” туш-ҳикояларида ҳам инсоннинг “бегоналашиш”, “ёлғизланиш” ҳолати бир вақтнинг ўзида ўхшаш ва ўзига хос услубда бадиий талқин қилинган. Ҳар икки адибнинг ҳикояларида япон адиби Кобо Абэнинг “Қути-одам” романидаги инсоннинг ҳаётдан, ижтимоий муҳитдан, ўз яқинларидан узоқлашиш учун ҳеч ким халақит бермайдиган макон излаши тасвирланади. У Ҳамдам ҳам, Ж.Салим ҳам ҳикояларида қахрамонлар кўнглига таскинлик излаб бири кўзига дарё бўлиб кўринган, аслида кичик бир ариқча бўлган сув томон интилиши бўлса, иккинчиси тарки дунё қилиб

<sup>1</sup> Кобо Абэ. Кумдаги хотин. – Т.: Янги аср авлоди. 2016. – Б. 10-11.

чиғаноқ ичига жойлашиб олади. Қахрамонларнинг рухий ҳолати тасвирланар экан, улардаги бир муддат рухий озодлик, мамнунлик ҳисси акс эттирилади. Мазкур икки ҳикояда ҳам француз ёзувчиси А.Камюнинг “Бегона” асарига ўхшаб бош қахрамонлар рухий инқирозга учраса-да, лекин француз адиби асаридан фарқли равишда, қахрамонларнинг танлаган йўли нотўғри эканлиги каби ғоя рамзий образлар орқали сингдирилади. А.Камюнинг “Бегона” асарида ҳаётнинг бемаънилиги ва унинг қахрамони Мерсонинг ижтимоий муҳитдан бегоналашиб, жамият билан ички алоқаларини узиб, унинг онгида ҳеч қандай туйғу ва қадрият қолмасдан, фақатгина инстинктларга асосланиб яшаши ва унинг бу йўлдан қайтмаслиги абсурд даражасига кўтарилса, ўзбек адиби У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё”, ҳикояси бош қахрамони ҳаёт ташвишларидан кўнгил озиб мудом эркинлик сари интилиши кичик ариқни кўзига дарё бўлиб кўриниши ва ўзини сувга ташлашни истаб кўчада мумкин бўлмаган жойда бехосдан машинасини тўхтатиши натижасида машина ҳайдаш ҳуқуқидан айрилиши каби ёқимсиз вазиятга тушиши ва ўзининг бу ишидан афсусланиш ҳолатлари акс эттирилади. Ж.Салимнинг “Чиғаноқ” ҳикоясида эса чиғаноқ ичига жойлашиб олган қахрамоннинг у ерда ётаверганидан кўл-оёқлари чиғаноққа мослашиб ишламай, ҳаракатсиз бўлиб қолиши, чиғаноқдан ҳар қанча уринмасин чиқа олмаслиги ва унинг олдида улғувор, сирли донишманд кишининг келиб, энди кеч бўлгани, унга ёрдам бера олмаслиги, бунинг натижасида қахрамоннинг афсусланиши каби тасвирларнинг баёни орқали жамиятдан, одамлардан узоқлашиш охир-оқибат аввало инсоннинг ўзи учун салбий оқибатлар олиб келиши баён этилган.

У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” туш-ҳикоясида:

*“Ўшанда мен тақдиримнинг ўзини эмас, унинг атиги биттагина чизигини ўзгартирмоққа аҳд қилдим. Чунки мен ҳаётимнинг айнан шундайлигидан, яъни қандай бўлса ўшандайлигидан энг-энг чарчагандим. У гўё менинг тепамда туриб олиб тинимсиз оғир иш буюраётган баджаҳл ва бешафқат хўжайинга ўхшаб бораётганди”<sup>2</sup>.*

Ж.Салимнинг “Чиғаноқ” ҳикоясида:

*“Уни ҳаёт қийинчиликлари ва ташвишлари чарчатди, унинг қалбида кундан-кун, соат сайин ҳаммаси кетма-кет, бир хил бўлаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқда эди, ҳамма нарса охир-оқибат ҳеч нарса! Айни бу ҳақиқат уни бутун инсониятдан ва унинг оламидан қочиб узоқ бир макон қидиришига ундарди”.*

Ҳар икки ҳикоя номиданок рамзий маъно касб этади. У.Ҳамдам ҳикоясининг “Кўнглимдаги дарё” деб номланишида инсон қалбидаги барчадан яширин, лекин фақат ўзига маълум бўлган дарёдек оқаётган ички тугёни, эркинлик сари интилаётган қалб хоҳишлари, исёнлари англашилади. Ж.Салим ҳикоясида эса, чиғаноқ ичидаги шиллиқурт каби ўзини тутган инсон ҳолатлари акс эттирилади. Маълумки, “чиғаноқ” сув тагида бўладиган шиллиқуртнинг устки қисми бўлиб, шиллиқурт эса ташқи муҳитдан узилган ҳолда унинг ичидан ташқарига чиқмай яшайди. Ҳикояда қахрамоннинг чиғаноқ шиллиқуртидек ташқи муҳитдан чарчаган, одамлардан руҳан узоқлашган инсоннинг ўз қобиғига ўралиб олиши асар сюжетининг асосини ташкил этади.

У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” ҳикоясининг бош қахрамони ички хотиржамлик истаб, дарё сари интилади:

*“Шундай кечаётган, яъни мен ишдан уйга, уйдан ишга бўзчининг моксидадек қатнаб юрган, бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаши зекрикари кунларимнинг бирида, биласизми, нимага дуч келиб қолдим:дарёга!”<sup>3</sup>, Ж.Салимнинг “Чиғаноқ” ҳикоясининг қахрамони ҳам ҳаёт ташвишларидан, оиласидан узоқлашиб, бош олиб кетаётган ҳолатида катта одам сиғадигандек чиғаноққа дуч келади ва шиллиқурт каби катта чиғаноқнинг ичига жойлашиб*

<sup>2</sup>Ҳамдам У. Ватан ҳақида қўшиқ (Роман ва ҳикоялар). – Т.:Академнашр, 2014. – Б.464.

<sup>3</sup>Ҳамдам У. Ватан ҳақида қўшиқ (Роман ва ҳикоялар). – Т.:Академнашр, 2014. – Б.465.

олади. Ж.Салим бу ўринда “магик реализм” га хос бўлган реал воқелик таркибида ғаройиб, сирли, фантастик воқеликни, яъни одам сиғадиган чиғаноқ тасвирини беради. Магик реализмни тавсифлаган таниқли тадқиқотчи С.П.Мамонтов уни “бу реаллик ва тўқиманинг, кундалик ва эртақоналик, оддийлик ва мўъжизавийлик, ёзма ва фольклор хусусиятларнинг қандайдир ички қоришмасидир”<sup>4</sup>, деб таъриф берган. Ж.Салим ҳикоясида адибнинг мантиқий фикрлашини, реалистик асос ва рамзий ҳамда мажозий тасвирдаги янги имкониятларнинг ўзаро муносабатини акс эттиради. шунингдек, таниқли суриялик ёзувчи Закария Тамернинг “Негр одам”, “Толиққан асфальт чиннигули”, “Оқ отнинг кишнаши”, Муҳаммад Ҳофиз Ражабнинг “Тўп ва одамнинг калласи”, “М.нинг зерикарли саргузаштлари” каби ҳикояларида айнан ҳаёт қийинчиликларидан, ижтимоий зиддиятлардан, адолатсизликлардан умидсизликка тушиб қолган, ёлғизлашиб қолган инсон қиёфаси гавдаланади. З.Тамер услубининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг асарларида ҳоҳ у реалистик услубда бўлсин, ҳоҳ модернистик услубда бўлсин, ижтимоий муаммолар, сиёсий-ижтимоий адолатсизликлар гирдобидида қолган инсон қиёфаси, инсоннинг маънавий ва тубан олами, инсон моҳияти акс эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Япон ёзувчиси Або Кобэнинг “Одам қути”, “Бегона юз”, араб ёзувчиси Ж.Салимнинг “Чиғаноқ”, ўзбек ёзувчиси У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” ҳикояларида инсоннинг жамиятдан, ҳаётдан, инсонлардан “бегоналаниш”, “ёлғизланиш” ҳис-туйғулари қахрамонларнинг жамиятдан узоқлашиши ва бунинг оқибатлари яхши эмаслиги каби ғоялар илгари сурилган.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Кобо Абэ. Кумдаги хотин. – Т.: Янги аср авлоди. 2016.
2. Джавохир Абубакиров, & Дилафруз Мухиддинова (2021). Художественные языковые особенности 人口庭園 в произведении «Фальшивый сад» Абе Томодзи. Общество и инновации, 2 (4/S), 468-474. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp468-474.
3. Тенденции развития иорданского новеллы XX века. Мухиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна. ACADEMICIA: Международнй междисциплинарный исследовательский журнал.2021, Том: 11, Выпуск: Первая страница: (1695) Последняя страница: (1704). ISSN: 2249-7137. DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00908.3
4. Ҳамдам У. Ватан ҳақида қўшиқ (Роман ва ҳикоялар). – Т.:Академнашр, 2014. – Б.465.
5. Теория литературы. Литературный процесс. 4-х т. – М.: ИМЛИ РАН, «Наследие», 2001. Т.4.
6. Saidova, N. M. (2021). Features of the Development of the Saudi Realistic Story in the Second Half of the Twentieth Century. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(4), 360-370.
7. جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. دمشق. منشورات اتحاد الكتاب العرب. 1976. 13.

<sup>4</sup>Теория литературы. Литературный процесс. 4-х т. – М.: ИМЛИ РАН, «Наследие», 2001. Т.4. – 425 с.